ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.01.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ПЎЛАТОВ ШЕРДОР НЕМАТЖОНОВИЧ

МАҲАТМА ГАНДИ ДУНЁҚАРАШИНИНГ ФАЛСАФИЙ-КОНЦЕПТУАЛ ТАҲЛИЛИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2022

УДК: 101.99(540)

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences

Пўлатов Шердор Нематжонович
Маҳатма Ганди дунёқарашининг фалсафий-концептуал таҳлили..... 5

Пўлатов Шердор Нематжонович
Философско-концептуальный анализ мировоззрения Махатмы Ганди..... 28

Pulatov Sherdor Nematjonovich
Philosophical and conceptual analysis of the worldview of Mahatma Gandhi..... 50

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 56

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ПЎЛАТОВ ШЕРДОР НЕМАТЖОНОВИЧ

МАҲАТМА ГАНДИ ДУНЁҚАРАШИНИНГ ФАЛСАФИЙ-КОНЦЕПТУАЛ ТАҲЛИЛИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Fal454 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ik-falsafa@nuu.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Пўлатова Дилдор Акмаловна** фалсафа фанлари номзоди, профессор
Расмий оппонентлар:	**Холмўминов Жаъфар Муҳаммадиевич** фалсафа фанлари доктори
	Наврўзова Гулчеҳра Неъматовна фалсафа фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Тошкент давлат жаҳон тиллари университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.01.05. рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «22» декабрь соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (167 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2022 йил «10» декабрь куни тарқатилди.

(2022 йил «10» декабрдаги 21 рақамли реестр баённомаси).

И. Саифназаров
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

Г.М.Рузматова
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа фанлари доктори, профессор

Ж.Раматов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда содир бўлаётган глобаллашув жараёнлари инсоният тараққиётининг асоси тинчлик эканлигини яна бир бор исботламоқда. Чунки қайси жамиятда тинчлик қарор топса, ўша ерда тараққиёт ва ҳар томонлама ривожланиш бўлади. Тинчлик, куч ишлатмаслик, инсонпарварлик, бағрикенглик ва бошқа эзгу тушунчаларни шакллантириш инсоннинг асосий бурчидир. Ўз рақибига ҳам зиён етказмаслик олийжаноб шахсга хос энг олий туйғу ҳисобланади. Бу ғоялар Маҳатма Ганди фалсафий дунёқараши асосини ташкил этган. Хусусан, Маҳатма Ганди таълимотидаги ижтимоий жараёнларда инсоннинг ўз-ўзини англаш, ахлоқий фазилатлар, умуминсоний қадриятларни салбий иллатларга қарши қўйиш фалсафий дунёқарашининг концептуал асосларини тадқиқ этиш ва ғояларини кенг жамоатчиликка етказиш долзарблиги шу билан ҳам изоҳланади.

Дунё илм-фанида Шарқ мутафаккирларининг фалсафий-ахлоқий меросини илмий жиҳатдан ўрганиш борасида фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, Шарқ маърифатпарвар алломаларининг фалсафий таълимотлари ва ижтимоий-сиёсий дунёқарашларининг моҳиятини англаш, ҳақиқат, адолат, озодлик, эзгулик, муҳаббат, фидойилик сингари назария ва тушунчаларнинг жамият ривожланишидаги ўрни тўғрисида олиб борилаётган тадқиқотлар шулар жумласидан. Бу борада Маҳатма Ганди маънавий меросида фаровон жамият барпо этиш, инсоннинг эзгулик ва ёвузликка муносабати, ижтимоий муносабатларда мурoса ва ҳамжиҳатлик маданияти, ҳар қандай жонзотга озор бермаслик каби ғоялар асосида илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда буюк мутафаккирларнинг илмий ва маънавий меросидан ёшларни тарбиялаш, инсонлар ва жамият ўртасидаги муаммоларни ҳал этишда фойдаланилмоқда. “Маҳатма Гандининг “аҳимса”, яъни куч ишлатмаслик ҳақидаги таълимоти, айниқса, маърифатпарвар дунё жамоатчилиги орасида машҳур. Тенглик ва ҳақиқатни зўравонлик ва зулмга қарши қўллаш орқали Маҳатма Ганди чексиз қатъият билан инсон эга бўлиши мумкин бўлган буюк куч ва имкониятларни қўллаб, ўз мақсадига эришди”[1]. Шу муносабат билан Маҳатма Гандининг фалсафий-ахлоқий қарашларида илгари сурилган жасорат, қатъийлик, раҳм-шафқат, чидамлилик, альтруизм сингари фундаментал ғояларнинг моҳиятини чуқурроқ тадқиқ этиш зарурати пайдо бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 4 октябрдаги ПҚ-3958-сон “Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон

[1] What Gandhi Means to me An Antholgy.// Mirziyoyev Sh.M. The Owner of great soul// 2019 56-60 P. http://mea.gov.in/GandhiAnthology/GandhiAnthology.html#p=6

Республикаси ўртасидаги стратегик шерикликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳатма Ганди фалсафий дунёқарашининг концептуал асосларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар, аввало, унинг асарларига, ўша давр тарихий ҳужжатлари, ёзувчи ва сафдошлари хотираларига, шунингдек, мавзу доирасига тегишли илмий тадқиқотларга таянилган ҳолда олиб борилди.

Тадқиқот мавзусига оид мавжуд адабиётларни бешта гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ Маҳатма Ганди томонидан ёзилган асарлар[1] ҳамда унинг фаолиятини ўрганишга бағишланган “The Collected Works of Mahatma Gandhi: Volumes I through XC” (Маҳатма Ганди асарларининг 90 жилдлик тўплами) муҳим манба ҳисобланади. Бу асарларда Маҳатма Ганди дунёқараши, унинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ахлоқий қарашлари акс этган.

Иккинчи гуруҳга киритилган адабиётларни қуйидаги тартибда таснифлаш мумкин: хорижлик таниқли олимлардан Р.Ролланд, Л.Фисчер асарларида Маҳатма Ганди дунёқарашининг шаклланиши, Ж.Бондурант сатяграҳадан фойдаланиш механизмлари, Ж.Бровн, Д.Далтонлар томонидан сатяграҳа ва сваражнинг ўзаро боғлиқлиги ўрганилган бўлса, Ж.Доке Маҳатма Гандининг Жанубий Африкада сиёсий фаолияти бошланиши, Э.Эриксон унинг ҳақиқат концепциясини, Ф.Г.Ричард идеалистик қарашлари илдизларини, М.Греен Гандининг Лондондаги фаолияти ва севги категориясининг куч ишлатмаслик тамойили билан боғлиқлигини, Т.Мертон (аҳимса) куч ишлатмаслик ва (сатяграҳа) зўравонликсиз ҳаракат фалсафасининг асосий тамойилларини, Ф.Ватсон, Т.Веберлар можароларни ҳал қилишда Ганди ахлоқшунослигининг ўрнини, К.Жамес сатяграҳа фалсафасининг ахлоқий жиҳатларини тадқиқ қилганлар.

Учинчи гуруҳга Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари таниқли олимлари К.А.Антонова, Г.М.Бонгард-Левин, Г.Г.Котовский, Ф.Н.Юрлов, Э.С. Юрлова асарларида Ҳиндистон тарихи, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий жараёнлари, А.Г. Валодин, С.А.Баранов, А.А.Кусенков, Э.С.Юрловалар

[1] Gandhi.M.K. The Story of my Experiments with Truth. – Ahmedabad: Navajivan Publishing House, 1940. – 556. p.; Gandhi.M.K. Hind Swaraj or Indian home rule. – Ahmedabad: Navajivan Publishing House, 1958. – 96. p.

Ҳиндистондаги диний ақидапарастлик, каста тизими ва диний бағрикенглик масалаларини, Р.А.Ульяновский, О. В.Мартишин, Л.Р.Полонскаялар Маҳатма Гандининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини, У.Рославлев гандичилик тамойилларини, Э.Н. Комаров, А.Д. Литманлар Ҳақиқат, “аҳимса” ва “сатяграҳа” тушунчаларининг фалсафий-ахлоқий жиҳатларини, А.В.Горев тинчлик ва умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ томонларини, М.Т.Степанянц куч ишлатмаслик тамойилини, С.В.Девяткин сатяграҳа моҳиятини, В.Василенко мутафаккирнинг таълим фалсафасини, фалсафий, ахлоқий, диний қарашларини тадқиқ этганлар.

Тўртинчи гуруҳга диссертация мавзусига тегишли инглиз ва ҳиндий тилларидаги Ҳиндистон олим ва ёзувчилари мулоҳазалари акс этган адабиётлар, тадқиқотчиларнинг илмий ишлари, монография, китоблар, газета ва журналлар киради. Ҳинд тадқиқотчиларидан Ж.П. Нараян, Н.Чандҳоке, П.Приядарши, Б.Пауллар Ҳиндистондаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларни, Ж.Неру, С.Радҳакришнанлар Қадимги Ҳиндистон тарихи ва фалсафий таълимотлари ривожида Ганди ғояларининг ўрнини, Е.М. Намбудирипад Ганди фаолияти ва гандичилик тадрижини, Р. К. Прабҳу, У.Р.Раолар сарводайя ва Ҳақиқат фалсафасини, Д.Г. Тендулкар ижтимоий-фалсафий жиҳатларини, Д.М.Датта, А.Д. Мишралар фалсафий-ахлоқий қарашларининг умумий жиҳатларини, Г.Д.Бирла, М.Чаттеижеелар диний қарашларини, С.Д.С. Деванесан тинчлик тамойилининг моҳиятини, Р.Гандҳи, Б.Н.Гангулилар Ҳақиқат ва сатяграҳанинг ўзаро боғлиқлигини, Р.Иер унинг ахлоқий таълимотини, Б.Парекҳ мустамлакачилик, анъана ва ислоҳотларни, Г.Веерражу ҳақиқат, зўравонлик қилмаслик ва инсон масаласини, У.Меҳта инсонпарварлик ғоясини, М.Прасад, В.П.Варма, Г.Дҳаван, К. Д.Ганграде, Ҳ. Мукержи, Пиярелаллар Маҳатма Гандининг сиёсат фалсафаси ва идеал жамият ҳақидаги назарияларини ўз асарларида таҳлил этганлар.

Шунингдек, тадқиқотчилардан У.Таҳтинен аҳимса таълимотининг умумий жиҳатларини, К.А.Ганди ахлоқ ва дин фалсафасининг ўзаро боғлиқлигини, Д.Б.Раннаутҳ Ганди таълим фалсафасининг маънавий кўринишларини, В.Сантҳан жамият фалсафасини, Н.Бҳаттачарйя шахс ва жамият уйғунлигини, К.Д.Деви инсон табиати ва инсонпарварлик масаласини, Г.Л.Прасад қадимги анъана ва ислоҳотлар жараёнини, Б.С.Наик Маҳатма Ганди қарашларида қиёсий диншунослик ва ахлоқ фалсафасини, М.А.Модарресин динлар ўртасидаги уйғунлик масаласини, Б.Сришаилам инсонпарварлик ғоясини, С.Жебараж “Худо” ва “Ҳақиқат” тушунчаларини, Б.К.Раи аҳимса (куч ишлатмаслик), Ж.К.Пател ижтимоий-сиёсий фалсафасини ўз диссертацияларида тадқиқ этганлар. Маҳатма Ганди томонидан ташкил этилган “Young India”, “Harijan”, “Navajivan” сингари газета ва журналларда нашр этилган мақолалар таҳлил этилган.

Бешинчи гуруҳга ўзбекистонлик файласуфлар, шунингдек, ҳиндшунос олимларнинг илмий тадқиқот ишларини киритиш мумкин. Мазкур тадқиқотлар асосини Марказий осиёлик биринчи ҳиндшунос олим, буюк мутафаккир Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон” асари ташкил этади. Унда минтақа тарихи, фалсафаси, сиёсати ва маданиятига доир муҳим маълумотлар келтириб ўтилган.

Ўзбек ҳиндшунос олимларидан Ғ.Т. Ғиёсов Маҳатма Ганди ижтимоий қарашларини, А.А.Йўлдошев, Ф.Г.Тешабоев, М.Аҳмедова, С.Йўлдошев, О.Шоматов, Н.Низомиддинов, У.У.Муҳибова, Х.Б.Бегизовалар ҳинд фалсафаси тарихига оид умумий масалаларни тадқиқ этганлар[1]. Лекин, Маҳатма Ганди фалсафий дунёқарашининг концептуал асосларини илмий нуқтаи назардан чуқурроқ тушунишга имкон берадиган яхлит, кенг қамровли ижтимоий-фалсафий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Шарқ фалсафаси ва маданияти қадриятлари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Маҳатма Ганди фалсафий дунёқарашининг таҳлили, фалсафа тарихидаги аҳамияти ва замонавий фалсафа ривожланишидаги ўрнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XIX аср охири – XX аср бошларида Ҳиндистондаги ижтимоий-маданий, сиёсий, иқтисодий вазиятни ўрганиш асосида Маҳатма Ганди фалсафий дунёқараши шаклланишига таъсир кўрсатган объектив омиллар ва унинг маънавий-ғоявий асосларини очиб бериш;

Маҳатма Ганди фалсафасининг асосий ғоялари, тамойилларининг ўзига хос хусусиятлари ва гуманистик моҳиятини илмий асослаш;

Маҳатма Ганди ахлоқ фалсафасининг методологик ва ижтимоий аҳамиятини тадқиқ этиш, шунингдек, унинг ғоялари ижтимоий амалиётда татбиқ этилиши тамойиллари, усуллари ва шаклларини аниқлаш;

Қадимги ҳинд диний-фалсафий таълимотлари – ҳиндувийлик, буддавийлик ва жайнизмнинг асосий тушунчаси – аҳимса, яъни зиён, изтироб етказмаслик тамойили асосида Маҳатма Ганди томонидан ишлаб чиқилган Ҳиндистонда мустақиллик учун зўравонликсиз кураш – сатяграҳа концепциясининг ижтимоий-фалсафий моҳияти ва аҳамиятини илмий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Маҳатма Гандининг фалсафий дунёқараши ва маънавий мероси танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини Маҳатма Гандининг “Ҳақиқат ва куч ишлатмаслик” концепцияси таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий ўзаро алоқадорлик, тарихийлик, мантиқийлик, тизимлилик тамойиллари; анализ, диалектик ва қиёсий таҳлил, илмий объективлик, герменевтик, фанлараро ёндашув каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Маҳатма Гандининг жамиятни вужудга келиш сабаблари, ички тузилиши, урф-одатлари, анъаналар, оилавий муносабатлар, диний қадриятлар, инсон ва жамият ўртасидаги алоқадорликлар борасидаги ижтимоий-сиёсий қарашлари

[1] Муаллифлар асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

мажмуи каби аспектлари маданиятлараро мулоқот, ўзаро ҳамкорлик контекстида замонавий жамият характерига мослиги асослаб берилган;

Маҳатма Ганди томонидан тинчлик, адолат, эзгулик, муҳаббат, инсонпарварлик, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва маърифатга ундовчи комиллик мезонлари тизими (интеграция, унификация, глобал дунёни рақамлаштириш динамикасинининг ўсиши) глобаллашув жараёнида ёшларни бузғунчи ва зўравонликка ундовчи мафкуравий тарғиботлар таъсирига қарши курашда субстанционал асосга эга эканлиги фалсафий жиҳатдан исботланган;

Маҳатма Гандининг “The Story of my Experiments with Truth” асаридаги мантиқий-гносеологик ва конструктив-ахлоқий қарашларининг ёшлар тарбиясидаги амалий аҳамиятга эгалиги “Куч ишлатмаслик” (аҳимса), “Ҳақиқат – қатъийликда” (сатяграҳа) тушунчалари воситасида очиб берилган;

Маҳатма Ганди “Hind Swaraj or Indian Home Rule” асарида илгари сурилган “Сат (ҳақиқат), чит (билим), ананда (бахт)” концепцияси маънавий “комил инсон” ва “фаровон жамият” ғоясининг генезиси эканлиги мантиқий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бугунги кунда Маҳатма Гандининг куч ишлатмаслик тамойилини миллий, минтақавий ва дунёдаги зиддиятларни ҳал қилишда амалий жиҳатдан самарали қўллаш йўллари асосланган;

ҳинд фалсафасида диний хилма-хилликни қабул қилиш, ахлоқий қадриятларни шакллантиришда ижтимоий муҳитнинг таъсири, инсонлар ўртасидаги муносабатларда ўзаро тушуниш маданиятини шакллантиришга оид Маҳатма Ганди ғояларидан жамият ҳаётида фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

Маҳатма Ганди маънавий меросининг таҳлили асосида жамият ижтимоий ҳаётида инсонпарварлик мезон ва тамойилларини қўллаш усуллари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, ёндашув услублари, илмий маълумотларнинг расмий манбалардан, ишончли далиллардан олинганлиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, тақдим этилган илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан илмий фаолиятда фойдаланиш мумкин, бу йўналишда кейинги тадқиқотлар учун назарий манба бўлиб хизмат қилади, шунингдек, тадқиқот натижаларидан олий таълим муассасаларида бакалавр ва магистратура босқичларида “Фалсафа”, “Ахлоқшунослик”, “Шарқ фалсафаси ва маданияти тарихи”, “Янги ва энг янги давр Шарқ фалсафаси”, “Маданият фалсафаси ва аксиология”, “Ғоялар фалсафаси”, “Шарқ ва Ғарб фалсафасидаги антропологик муаммолар”, “Сиёсатшунослик” каби фанларни ўқитиш жараёнида ҳамда ҳинд

фалсафасига оид ўқув қўлланма, монография ёки илмий лойиҳаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ижтимоий ва маданий муассасалар, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Лаъл Баҳадур Шастри номидаги Ҳиндистон маданият маркази фаолиятида, шунингдек, олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳатма Ганди дунёқарашининг фалсафий-концептуал таҳлилининг амалий аҳамияти бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Маҳатма Гандининг жамият вужудга келиш сабаблари, ички тузилиши, урф-одатлари, анъаналар, оилавий муносабатлар, диний қадриятлар, инсон ва жамият ўртасидаги алоқадорликлар борасидаги ижтимоий-сиёсий қарашлари мажмуи каби аспектлари маданиятлараро мулоқот, ўзаро ҳамкорлик контекстида замонавий жамият характерига мослиги каби илмий янгиликлар, назарий хулосалар, методологик тавсиялар ҳамда амалий таклифларидан “Республикамиз ҳудудларидаги буддизм обидалари турмаршрутларининг 3D моделларини яратиш” тадқиқоти доирасида амалиётга жорий этилган (Тошкент давлат шарқшунослик университетининг 2022 йил 14 июлдаги 04-04-01/1415-сон маълумотномаси). Натижада, Ҳиндистон фалсафий тафаккурининг ажралмас қисми бўлган урф-одатлар, анъаналар, оилавий муносабатлар, диний қадриятлар шаклланиши, кейинги давр тараққиётидаги ривожи, бунда Маҳатма Ганди қарашлари шаклланишига доир билимлар, илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

Маҳатма Ганди томонидан тинчлик, адолат, эзгулик, муҳаббат, инсонпарварлик, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва маърифатга ундовчи комиллик мезонлари тизими (интеграция, унификация, глобал дунёни рақамлаштириш динамикасинининг ўсиши) глобаллашув жараёнида ёшларни бузғунчи ва зўравонликка ундовчи мафкуравий тарғиботлар таъсирига қарши курашда субстанционал асосга эга эканлигига доир хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистондаги Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази томонидан ташкил этилган “Маҳатма Ганди фалсафий таълимотида халқ дипломатияси” мавзусида семинар ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистондаги Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Халқ дипломатияси марказининг 2022 йил 6 июндаги 357/22-сон маълумотномаси). Натижада, илмий тадқиқот натижалари ва хулосалари глобаллашув жараёнида инсонлар ўртасида ўзаро келишмовчиликка барҳам бериш ва муроса маданиятини шакллантириш, шунингдек, истиқболда икки давлат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий-гуманитар соҳалар ривожига хизмат қилган;

Маҳатма Гандининг “The Story of my Experiments with Truth” асаридаги мантиқий-гносеологик ва конструктив-ахлоқий қарашларининг ёшлар тарбиясида амалий аҳамиятга эгалиги “Куч ишлатмаслик” (аҳимса), “Ҳақиқат – қатъийликда” (сатяграҳа) тушунчалари илмий-амалий жиҳатдан қўлланилиши

масалалари асослаб берилганлигига оид илмий хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Тақдимот” кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2022 йил 7 июлдаги 06-28-1094-сон маълумотномаси ва Пуна Натурпатия миллий институтининг 2021 йил 24 августдаги маълумотномаси). Натижада, телетомошабинларнинг Маҳатма Ганди илмий мероси, Куч ишлатмаслик концепцияси, унинг зўравонликсиз цивилизация қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларига доир илмий-тарихий билимларни оширишга хизмат қилган;

Маҳатма Ганди “Hind Swaraj or Indian Home Rule” асарида илгари сурилган “Сат (ҳақиқат), чит (билим), ананда (бахт)” концепцияси маънавий “комил инсон” ва “фаровон жамият” ғоясининг генезиси каби материаллар ва таҳлил натижаларидан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021-2022 йилларда ўтказилган тарғибот фаолиятида татбиқ этилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2022 йил 14 июлдаги 02-02-1176-сон маълумотномаси ва Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги элчихонасининг 2021 йил 21 июндаги маълумотномаси). Натижада, бугунги кунда дунё миқёсида тинчлик, муҳаббат, инсонпарварлик, бағрикенглик ғояларини тарғиб этиш, фаровон жамият қуриш, комил инсонни тарбиялашда Маҳатма Гандининг фалсафий таълимоти ва ижтимоий-сиёсий дунёқараши муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 9 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола (9 таси республика, 3 таси хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация “Кириш”, учта боб, “Хулоса”, “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”дан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, методлари асосланган, ишнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Маҳатма Ганди дунёқараши шаклланишининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий асослари”** деб номланиб, унда XIX аср охири – XX аср бошларида Ҳиндистондаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият, Маҳатма Ганди ҳаёти ва маънавий мероси, унинг фалсафий дунёқараши шаклланишининг ижтимоий-маданий ва ғоявий асослари каби масалалар илмий-назарий таҳлил этилган.

Диссертант таъкидлашича, XIX аср охири – XX аср бошларида Ҳиндистонда мустамлакачилик ва ижтимоий тенгсизликка қарши ҳаракатлар пайдо бўла бошлади. Маҳаллий ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва Миллий конгрессда мустамлакачилик тузумига қаршилик кўрсатишнинг йўл ва усуллари бўйича мафкуравий, сиёсий кураш авж олади. Ҳиндистоннинг келгусидаги ижтимоий ривожланиши тўғрисида турли фикрлар вужудга кела бошлади. Ҳиндистон XX асрнинг биринчи чорагида қашшоқ мамлакат бўлиб, улкан ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобида эди. Аҳолининг катта қисми қашшоқликда яшар, узоқ давом этган очлик ва оммавий эпидемиялар (1891, 1911, 1921 йиллар) аҳолининг аксарият қисмига ўта жиддий таъсир кўрсатган, ўртача умр кўриш 23 ёшни ташкил этар эди[1].

Тадқиқотчининг фикрича, мамлакатдаги иқтисодий вазият анъаналар, жамиятнинг каста ва динларга бўлиниши билан белгиланар эди. Қишлоқда ярим натурал хўжалик ҳукмронлик қилган, ярим феодал муносабатлар шаклланган эди. Ўша даврдаги ҳинд қишлоқ хўжалиги ҳиндларнинг ўзлари томонидан мутлақо турғун иқтисодиёт сифатида тавсифланган эди[2]. Бу даврда Ҳиндистонда 6 фоиз аҳоли саводли (18 миллион киши) бўлган. Уларнинг 500 мингга яқини инглиз тилида таълим олган[3].

Маҳатма Ганди бу вақтда Ҳиндистонда фаолиятини бошлаган бўлиб, мамлакатда катта нуфузга эга эди. Ҳиндистон Миллий конгресси ва бошқа сиёсий доираларда ҳам фаолият олиб бораётган эди. 1920 йил сентябрь ойида Калькуттада бўлиб ўтган Конгресснинг махсус сессиясида Маҳатма Ганди томонидан таклиф қилинган ҳокимият билан ҳамкорлик қилмаслик дастури қабул қилинди. Бу маҳаллий ишлаб чиқаришнинг оммавий ривожланишини таъминлади. Ҳинд пахта фабрикалари аҳоли эҳтиёжларини қондира олмагани учун қўлда йигирув ва тўқувчиликни жонлантириш таклиф қилинди. Конгресс ҳиндларга ҳукумат унвонлари ва мукофотларидан воз кечишга, ҳиндлар маблағларини давлат қимматли қоғозларидан чиқаришга, давлат идораларини бойкот қилишга, ўқувчи ва талабаларни давлат мактаблари ва коллежларига юбормасликка, ҳинд миллий таълим муассасалари очишга, ҳарбий хизматни ўташни рад этишга чақирди.

Маҳатма Ганди етакчилигидаги миллий озодлик ҳаракатининг энг муҳим аҳамияти шундан иборатки, у тажовузкор ва жанговар кураш ўрнига зўравонликсиз ҳаракатни қўллаб, ҳинд халқининг чидам ва матонатини ўзига сингдириб, куч ва қувват манбаига айланди. Маҳатма Ганди Жанубий Африка

[1] Садсюк Г.В. Индия. География хозяйства. – М.: Мысль, 1975. – С. 32.
[2] Растянников В.Г., Дерюгина И.В. Модели сельскохозяйственного роста в XX веке. Индия, Япония, США, Россия, Узбекистан, Казахстан. – М.: ИВ РАН, 2004. – С. 78.
[3] Юрлов Ф.Н., Юрлова Е.С. История Индии. XX век. – М.: Институт востоковедения РАН, 2010. – С. 16.

ва Ҳиндистонда кўплаб оммавий ҳаракатларга раҳбарлик қилди, лекин уларнинг энг асосийларидан Ровлатт Қонуни (Сатягҳара учун кураш, 1919 йил), Фуқаровий итоатсизлик (Туз Қонуни, 1930-31 йиллар), "Ҳиндистонни тарк этинг" ҳаракати (1942 йил) бўлиб, Ҳиндистон мустамлакачилигининг азоб-уқубатлари ва ғалаёнларини бошдан кечирди.

Маҳатма Ганди ташаббуси билан свараж (**स्वराज** – ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқи)ни ўрнатиш учун куч ишлатмаслик билан бирга ҳамкорлик қилмаслик сиёсатини ҳам таклиф қилди. Ҳинд-мусулмонлар бирлигини мустаҳкамлаш муаммосига алоҳида эътибор берилди. Ҳамкорлик қилмаслик ҳаракатининг асосий тамойилларидан бири свадеши (**स्वादेश** – миллий ишлаб чиқариш дастури) эди. 1947 йил 15 августда Деҳли шаҳридаги Қизил қалъада Ҳиндистон Республикаси биринчи Бош вазири Жаваҳарлаъл Неру давлат рамзи – байроқни кўтарди. Ҳиндистон мустақиллиги эълон қилинди. Ҳинд халқининг асрий орзуси амалга ошди. Шундай қилиб, ярим асрдан ошиқ давом этган миллий озодлик ҳаракати ўз мақсадига эришди. Мамлакат кўплаб муаммолар билан бўлса-да, тўла озод бўлди.

Моҳандас Карамчанд Ганди Ҳиндистоннинг буюк сиёсий арбоби ва "миллат отаси" – "Маҳтама Ганди" номи билан бутун инсоният тарихида ўз номини қолдирган шахсдир. Моҳандас Карамчанд Ганди ҳаёти ва фаолиятини тўртта муҳим даврга ажратиш мумкин. Биринчиси, бу давр 18 йил давом этди – унинг туғилишидан то Англияга кетгунига қадар. Иккинчиси, Англияда ўқиган даври. Учинчиси, Жанубий Африкадаги иш ва ижтимоий фаолияти, бу узилишлар билан 20 йилдан ортиқ вақт давом этди. Тўртинчиси, энг муҳим давр – 1915 йилдан 1948 йил 30 январь, яъни вафотигача бўлган давр бўлиб, фалсафий қарашлари шаклланиши, ижтимоий-сиёсий фаолияти, яъни Ҳиндистон мустақиллиги учун курашган даври ҳисобланади. Тагор Гандини "Фақирона кийимдаги Маҳатма (**महात्मा** – "буюк қалб эгаси")[1]" деб атади, "Маҳатма" номи Ҳиндистон халқи ва бутун дунё учун рамзга айланди"[2]. Маҳатма Ганди дунёқараши шаклланишига кўплаб омиллар, биринчи навбатда, оиладаги муҳит таъсир кўрсатди: ғайратли ваишнавитлар бўлган ота-онасининг (айниқса, онаси) диндорлиги, энаганинг меҳри муҳим аҳамият касб этади. Маҳатма Гандига Қадимги ҳинд адабиётининг бир қанча намуналари ёшлигидан маълум бўлиб, асарлардаги воқеалар унинг ҳаётига таъсир қилади. Айниқса, Рам образи уни ўзига жалб қилади. "Рамаяна"дан ташқари Ганди ҳаётида ҳинд фалсафасининг яна бир намунаси бўлган "Бҳавагад-гита" китоби ҳам таъсир кўрсатган эди. Маҳатма Гандининг ўзи гувоҳлик беришича, Жайн роҳиблари, мусулмонлар ва форслар тез-тез ташриф буюрадиган уйларида улар диний мавзуларда кўп суҳбатлашишарди.[3] Буларнинг барчаси ёш Гандининг

[1] Изоҳ. "Махатма" (**महात्मा** - "буюк қалб эгаси") – ҳиндларда мурожаат қилиш шакли (фахрий ном, унвон), оддий хурсандчилик ҳаётидан воз кечиб, ўзини Худога ёки бирон-бир буюк ғояга бахш этиш. Бу сўзни Ганди Жанубий Африкадан қайтгандан сўнг, Гандига нисбатан биринчи бўлиб Робиндранат Тагор қўллаган. Шу кунгача бу ном Гандининг Ҳиндистон олдидаги хизматлари рамзи сифатида қўлланиб келинмоқда.

[2] Датта Д. Философия Махатма Ганди/ Пер.с анг. А.В.Радугина. – М.: Издательство иностранной литературы. 1959. – С. 27.

[3] Ганди М.К. Менинг ҳаётим. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 64-65.

“идрокли ва таъсирчан табиати”га чуқур таъсир кўрсатган эди. Маҳатма Гандининг буюк шахс бўлиб шаклланишида Кастурбайнинг хизматлари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Миллий мафкура ва сиёсат шаклланишига XIX ва XX асрда яшаган мафкуравий намояндалар, миллат фидоийлари ва бир қанча сиёсатчилар катта ҳисса қўшган. Уларнинг ғоялари мустамлака Ҳиндистоннинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги воқеалар таъсири остида ўзгариб, ривожланиб борди. Назарий-ғоявий жиҳатдан қараганда, ҳинд миллий озодлик ҳаракатига хос таълимотнинг кўзга ташланадиган томонларидан бири унинг диний-ақидавий мазмунидир. Бунинг сабаби шундаки, динийлик мустамлакага қарши қўзғалган ҳинд халқининг ижтимоий руҳиятидаги етакчи элементлардан биридир. Шунинг учун ушбу ҳаракат раҳбарлари сиёсий ва назарий жиҳатдан диний омилга катта урғу бердилар, ўз атрофида кўплаб инсонларни тўпладилар.

Ҳинд миллий озодлик ҳаракати жараёнида диний-фалсафий таълимотларни долзарб сиёсий муаммоларга мослаштириш мақсадида уларни замонавийлаштириш ва ушбу ҳаракат талабларига мувофиқлаштириш, айниқса, ўта долзарб вазифа бўлиб қолган эди. Жумладан, анъанавий диний-мистик ғоялар, уларнинг мавҳум шаклларини ватанпарварлик, ҳатто, мустамлакага қарши руҳда талқин этиш фаоллашди. Гандининг дунёқараши ва ғоявий-сиёсий фикрлари шаклланиши, асосан, мустамлакачилик тузуми таназзулга юз тутган даврда содир бўлиб, Ҳиндистонда ушбу инқирознинг келиб чиқиш жараёнлари билан боғлиқ эди.

Шунингдек, Ганди дунёқараши шаклланишида ўша давр Ғарб ва Шарқ мутафаккирларидан Рам Моҳан Рой, Бал Гангадҳар Тилак, Даянанда Сарасвати, Рамакришна Парамаҳамса, Свами Вивекананда, Рабиндранат Тагор, Ауробиндо Гҳош, Дадабхай Наороджи, Саййид Аҳмадхон, Пҳуле, Райчандбҳаи, Л.Толстой, Жон Рускинлар катта таъсир кўрсатган бўлиб, улар илгари сурган ғоялар Гандининг кейинги фаолиятида муҳим аҳамият касб этган. Яна Ҳиндистондаги турли диний-фалсафий таълимотлар унинг “Ёвузликка қарши эзгулик” тамойили шаклланишига таъсир этган эди. Шундай қилиб, либерал маърифатпарварларнинг фаолияти ҳиндларда миллий ўзлигини англашга ёрдам бериб, миллий-озодлик ҳаракатининг ғоявий-сиёсий заминини яратди. Ушбу миллий ҳаракатда мустамлакачиликдан бутунлай қутилиш учун XIX-XX аср мутафаккирлари, улардан энг асосийси ҳисобланган Ганди жуда кўп куч сарфлаши керак бўлди.

Тадқиқотчи фикрича, XIX аср огири – XX аср бошларида Ҳиндистонда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий вазият кескин бўлиб, 300 миллионлик аҳоли кўплаб диний ва ирқий гуруҳларга бўлинган эди. Бу даврда бутун дунёда ривожланаётган миллий уйғониш ва маърифатпарварлик ҳаракатлари Ҳиндистонни ҳам четлаб ўтмади. Маҳатма Ганди “Ҳинд Свараж” (Ҳиндистоннинг ўзини ўзи бошқариш) ишига юқоридан эмас, балки пастдан, пойдевордан ёндашишни таклиф қилди. Сваражга биринчи қадам шахснинг ўзида бўлади деб ҳисоблаб, ўз тили, урф-одатлари, миллий либоси ва ўз цивилизациясини севмасдан туриб, ўзини ўзи бошқаришда муваффақиятга

эришиб бўлмаслигини англаб етди. Маҳатма Ганди ва унинг сафдошлари маънавий жасорати орқали инглизлар охир-оқибат мамлакатни тарк этишга мажбур бўлди ва Ҳиндистон мустақилликни қўлга киритди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Маҳатма Гандининг фалсафий-гуманистик таълимоти”** деб номланиб, Маҳтама Ганди фалсафий концепциясида ҳақиқат масаласи, унинг фалсафий дунёқарашининг антропологик моҳияти ва Сатяграҳа концепциясининг гуманистик характерига оид қарашлари очиб берилган.

Маҳатма Ганди номи бугунги замонавий дунёда тинчлик, ҳақиқат ва инсонпарварлик сўзлари билан ёнма-ёнма қўлланиб келинмоқда. У мустамлакачиликдан халос бўлиш асносида ўзининг фалсафий-гуманистик таълимотини шакллантирди ва кенг жамоатчиликка тарғиб қилди.

Диссертант фикрига кўра, “ҳақиқат” тушунчаси фалсафадаги асосий мавзулардан биридир. Кўплаб мутафаккирлар ҳақиқат ҳақида ўз фикрларини баён этиб, назарияларини илгари сурганлар, таъриф берганлар. “Фалсафа энциклопедик луғати”да “Ҳақиқат – воқеликнинг киши онгида тўғри акс этиши, билимларимизнинг объектив реалликка мос келиши”[1], деб таъриф берилади. Маҳатма Ганди фалсафий, ахлоқий, диний, ижтимоий-сиёсий ғоялари асосида ҳақиқат концепциясини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Унинг фалсафий қарашлари миллий анъаналар билан биргаликда, диний идеалистик ғоялар асосида ривожланган ва қадимги ҳинд фалсафасининг турли мактаблари ғоялари уйғунлиги сифатида шаклланган эди. Ҳирен Мукҳержи Ганди дунёқарашининг келиб чиқиши ҳақида гапирганда, улар “Ҳинд фалсафий анъанасига қайтиш ва уни ақл ила идрок этиш унда эклектизмга мойилликни уйғотди”[2], деган эди. Гандининг фалсафий ғояларидаги дастлабки тамойили Худони объектив равишда инсон иродаси ва онгидан ташқарида мавжуд, бирламчи воқелик, деб тан олишдир. Унинг тасаввурида Худо шаклсиз абсолют, дунёнинг асоси, бутун дунёнинг сабаби ва сарчашмаси. “Худо – ҳақиқат ва севги; ахлоқ ва одоб; Худо – довюраклик. Худо нур ва ҳаёт манбаи, айни пайтда, у буларнинг барчасидан ҳам ташқарида”[3], деган фикрларни ҳам баён этади. Агар илоҳий кучнинг моҳияти ҳақидаги ғоя Ганди фалсафий дунёқарашининг дастлабки нуқтаси бўлса, унда Худо билан боғланган “ҳақиқат” тушунчаси унинг фалсафий, сўнгра ижтимоий-сиёсий тушунчаларининг асосий нуқтасидир. “Унинг сиёсий-фалсафий таълимоти, – деб ёзади таниқли немис олими В. Роубей,. – “ҳақиқатга эришиш” ғоясида ўзининг энг юқори даражасига кўтарилади”[4].

Маҳатма Ганди ҳақиқат концепциясини, асосан, маълум билим элементларини ўз ичига олган диний ва ахлоқий категория сифатида қатъий белгиланган, дастур чегараларига эга бўлмаган ахлоқий тамойил сифатида ишлатган. Шунингдек, ҳақиқатни, кенгроқ маънода, сатя (सत्य) (ҳақиқат) сўзи

---

[1] Фалсафа: энциклопедик луғат // ЎзР ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2000. – Б. 339.

[2] H. Mukerji. Gandhiji-A Study. – Calcutta: National book Agency, 1958. – P. 195.

[3] Gandhi M.K. All men are Brothers. – Ahmedabad.: Navajivan Publishing House, 1960. – P. 58.

[4] Ruben W. Geschichte der Indischen Philosophie. – Berlin., 1954. – P. 337.

сифатида тушунтиради. Сатя ёки ҳақиқат – кўплаб бошқа тамойилларни ўз ичига олган суверен тамойил. Бу фикрда ҳақиқат, сўзда ҳақиқат, амалда ҳақиқат бўлиши кераклигини англатади. Сатя (**सत्य**) сўзи сат (**सत्**) сўзидан олинган бўлиб, "борлиқ" деган маънони ҳам англатади. Илм ҳақиқатдан оқиб чиқади ва билим саодатга етаклайди. Шундай қилиб, билим, саодат ва ҳақиқат учлиги мавжуд. Худо Сат-чит-ананда, (сат-**सत्**-борлиқ) (ҳақиқат), (чи-**चित्**-онг) (билим), (ананда-**आनंद**-бахт), яъни борлиқ (ҳақиқат), онг (билим) бахтнинг тимсоллари шаклида намоён бўлади. Шунинг учун Ганди Ҳақиқатни Худога тенглаштирган[1]. Ганди дунёқараши шаклланиши давомида "Худо ҳақиқатдир" фикридан "Ҳақиқат худодир", деган хулосага келади. Кейинчалик бу унинг энг муҳим назарий кашфиётларидан бири ҳисобланди. Ганди: "Мутлақ ҳақиқатни фақат Худо билади", "Бу дунёда ҳеч ким мутлақ ҳақиқатга эга эмас, бу фақат Худонинг хусусиятидир"[2], деб ҳисоблаб, агностик ғоясини илгари суради.

Хуллас, ҳақиқат категорияси Гандининг бошланғич назарий дунёқарашининг диний-илоҳий табиати туфайли мавҳум маънога эга кўп сонли ҳақиқат шаклини олади. Худо яратилишнинг тожи сифатида энг юқори ҳақиқат, мутлақ мукаммаллик сифатида намоён бўлади.

Маҳатма Ганди ўз дунёқараши ва фалсафий ғоялари марказига инсон масаласини қўяди. Унинг фалсафий қарашлари негизида инсон муҳим омил сифатида кўрилади. Ҳиндистоннинг қадимги фалсафий анъаналари заминида инсоннинг маънавий табиатига ишонч туради. Инсон ҳаётнинг пировард мақсадини карма (**कर्म**) ва кишанлардан халос бўлиш, шахс ва жамиятнинг ахлоқий ривожланиши ва инсониятнинг асосий бирлигини англаш, деб тушунтирилган. Ведаларга кўра, бутун дунё ижодий кучнинг илоҳий намоён бўлишидир. Гитада инсон психологияси учта гуна (**गुण**-усул)га эга деб ҳисобланади, булар: саттва (яхшилик), ражалар (ҳис-туйғулар) ва тамалар (зулмат, жоҳиллик ёки иллюзия). Инсон табиати битта гунанинг устунлиги билан белгиланади. Христианлик инсон дунё яратилишининг сўнгги кунида яратилганлигини айтади. Худди шу тарзда, яҳудий динида одамнинг Худо билан муносабати кўплаб оятларда келтирилган. Ислом динида инсон ўзида тафаккур ва ҳиссиётни бирлаштирган буюк куч, деб ҳисобланади. Буддизмга кўра, инсон жоҳиллик ва карма маҳсулидир. Жайнизм сингари буддизм ҳам азоб-уқубатларнинг сабабини жоҳиллик деб ҳисоблайди. Шунинг учун, инсон нирванага, яъни азоб чекмайдиган ҳолатга эришиш учун тинимсиз ишлаши керак. Ганди инсон ҳақидаги қарашлари шаклланишида диний қарашлар таъсирини англади, инсон ҳам, ҳайвонлар ҳам руҳий кучлар аралашмасидир, шунинг учун унда ҳайвонот хусусиятларининг мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. У шундай дейди: "Бизнинг ҳар биримиз яхшилик ва ёмонлик

[1] Stanley Jebaraj**.** Gandhi's Religious Philosophy: A Perspective and Contemporary Relevance - A study**:** Diss. …PhD. Philosophy science. Chennai, 2014. – P. 43.

[2] Tendulkar D.G. Mahatma: Life of Mohandas Karamchand Gandhi. – New Delhi.: The Publications Division, Vol. VII, 2016. – P. 149.

аралашмасимиз”[1]. Маҳатма Ганди мумтоз ҳинд тизимининг асоси бўлган инсонни бутун борлиқ, деб билган. У инсон фақат биологик мавжудот ёки шунчаки физик-кимёвий бирикма эканлигига ишонмаган. Унинг учун инсон маънавий моҳиятга эга. Ганди учун “мавжуд бўлиш” эмас, балки келиб чиқиш муҳимроқ. Унга кўра, инсон табиати энг муҳим хусусияти бўлган илоҳий табиатни англайди. Унинг таъкидлашича, ҳар бир инсонда мавжуд бўлган илоҳий унсурлардан тўғри фойдаланилса, инсоният самодаги жаннатни ерга тушура олади[2]. Инсон ҳайвон сифатида шафқатсиз, аммо руҳий шахс сифатида зўравон эмас. Айнан у ўз илоҳий моҳиятини англаши, уни барча тирик жонзотларга раҳм-шафқат қилишга, фикрда, сўз ва ишда зўравонлик ишлатмасликка ундайди. Гандининг сўзларига кўра, инсон, шунингдек, тана, ақл ва руҳнинг комбинациясидир. У эволюциянинг тизимли назариясини шакллантирмаган. Унинг фикрича, эволюциянинг якуний мақсади ҳам мокша (озод бўлиш-**मोक्ष**) билан боғлиқ. Ўз-ўзини англаш – ҳаётнинг мақсади. У “мен”нинг бирлиги ва “мен”нинг мутлақ “мен” билан бирлашишини ўз ичига олади. Шундай қилиб, Ганди инсоннинг маънавий табиатига, инсон ўзлигини англаш имкониятига эга эканлигига, инсон табиатан ҳаракатчан, атроф муҳит таъсирида бўлишига қарамай, иродаси ва мустақил фаолияти орқали атроф муҳит ва вазиятни ўзгартириш қобилиятига эгалигига, у нафақат нима яхши ва нима ёмонлигини ажратишга, шунингдек, ёмонликдан қочиш ва яхшиликни қабул қилиш қобилияти мавжудлиги ва онгли равишда ўзини яхши томонга ўзгартириши мумкинлигига ишонган.

Маҳатма Ганди сатяграҳа атамасини кенг жорий этган бўлса-да, сатяграҳа тамойили дастлаб у томонидан ишлаб чиқилмаганлигини, муқаддас диний китобларда бўлганлигини айтади. Сатяграҳа концепцияси ўзига хос хусусиятга эга, гарчи у ҳиндларнинг “куч ишлатмаслик” тушунчаси бўлган аҳимса билан боғлиқ бўлса-да. Бу инсоният учун мутлақо янги тушунчага айланди, жамиятдаги кўплаб муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилди. Ганди аввал гужоротий тилида инглизча “суст қаршилик кўрсатиш” иборасидан фойдаланади. Лекин кейинчалик, “**सत्आग्रह**” – “сатаграҳ” (**सत्** “сат”–ҳақиқий, **आग्रह** “аграҳ”–қатъийлик) сўзини қўллай бошлади. Сўз тушунарли бўлиши учун “сатяграҳа”га–सत्याग्रह ўзгартиради. Яъни सत्य–ҳақиқат, आग्रह-қатъийликни англатади. Ҳақиқат қатъийликда, шунингдек, ҳақиқатни излаш ва унга эришишда қатъийлик шарт, деган маънода қўлланила бошланди. “Сатяграҳа”–“ҳақиқатни ушлаб туриш”, деган маънони англатади, деб тушунтиради Ганди.

Сатяграҳа моҳиятан ҳақиқатни кашф этиш ва унга чексиз интилишни англатади, шу билан бирга, рақибни дўстга айлантиради. “Сатяграҳа лексиконида “душман” сўзи йўқ.” “Сатяграҳанинг мақсади ёвуз одамни

[1] Nirupama Bhattacharyya. Gandhi’s Concept of Individual and Society. Diss. …PhD. Philosophy science. Assam, 2006. – P. 108.

[2]Lala Gopal Prasad. Religion, Morality and Politics According to Mahatma Gandhi. – New Delhi: Classical Publishing Company, 1991. – P. 3.

мажбурлаш эмас, балки ўзгартиришдир”[1]. Сатяграҳанинг биринчи йўли меҳр-муҳаббатдир, иккинчи йўли ўзимизга қарши бўлган одамлар фикрини ўзгартириш ёки унинг ақлига етиб бориш учун унинг қалбига кириб боришга ҳаракат қилиш, қалбидан меҳр-муҳаббат билан жой олишдир.

Ахлоқий қонун-қоида ва воситаларнинг тозалиги сатяграҳанинг жисмоний ёки ёвуз кучга боғлиқ эмаслигини кўрсатади. Сатяграҳа ахлоқий кучга, ҳақиқат ва адолат кучига, ўзини поклаш ва ўз-ўзини азоблашга, севги ва чин дилдан хизмат қилиш, жасорат ва интизомга асосланган.

Сатяграҳа сиёсат учун ахлоқий асос яратишга, адолатсизлик ва зулмга қарши курашишга, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий зиддиятларни ҳал қилишга, самарали демократия ўрнатишга, адолат ва тенгликка асосланган янги ижтимоий тузум пойдеворини қўйишга, дунёда тинчликка йўл очишга ҳаракат қилади[2]. Сатяграҳа ғояси – гуноҳкорни гуноҳлардан фориғ қилиш, адолат туйғусини уйғотиш, шу билан бирга, зулм қилувчининг бевосита ёки билвосита ҳамкорлигисиз жиноятчи ўзи хоҳлаган ёмонликни қилолмаслигини кўрсатиш.

Умуман олганда, сатяграҳа фалсафаси олтита асосий тамойилни ўз ичига олган ахлоқий ва меъёрий тизимдир: фаолият тамойили, конструктивлик тамойили, аҳимса (куч ишлатмаслик) тамойили, изтиробланиш тамойили, тушуниш тамойили ва муросага келиш тамойили. Сатяграҳанинг турли усуллари мавжуд бўлиб, улар ҳамкорлик қилмаслик, фуқаровий итоатсизлик, ҳижрат, ҳартал (иш ва савдо қилишни тўхтатиш), иш ташлаш, тинч намойиш ва рўза шаклида бўлиши мумкин. Ганди ижтимоий-сиёсий ва фалсафий тафаккурининг ажралмас қисмини ташкил этувчи сатяграҳанинг долзарблиги шундаки, сатяграҳа назарий ва амалий жиҳатдан қўллаш мумкин бўлган универсал усулдир.

Тадқиқотда келтирилишича, Маҳатма Ганди учун ҳақиқат барча инсоний мақсадларнинг энг юқори чўққиси ва концепциясининг ахлоқий манбасидир. Ҳақиқат бошқа барча тамойилларни ўз ичига олган асосий тамойил бўлиб, у одамлардан мустақил равишда мавжуд. Ҳақиқатни англаш, уни идрок этиш эса инсоннинг олий бурчидир. Маҳатма Гандининг гуманизми, асосан, инсоннинг мукаммаллиги ва юксалишига асосланган эди. Сатяграҳа ғояси севги ва мулоҳаза юритиш орқали инсон ўзининг нафсига мурожаат қилиб, золимни ўзгартириш ва унда адолат туйғусини уйғотишдир. Шундай қилиб, ҳақиқатни англаган инсоннинг ўз-ўзини тушуниши Ганди Сатяграҳа концепциясининг муҳим пойдеворини ташкил этади. У орзу қиладиган жамиятни қуришда бу тушунчалар муҳим ҳисобланади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Маҳатма Ганди ахлоқ фалсафасининг методологик ва ижтимоий аҳамияти”** деб номланиб, Маҳатма Ганди ахлоқ фалсафасининг ғоявий асослари ва аҳимса – куч ишлатмаслик тамойилининг фалсафий моҳияти тадқиқ этилган.

---

[1] Михель Д. В., Михель И. В. Упорство в истине: философия и политика Махатмы Ганди // Изв. Сарат. ун-та. Нов. сер. Сер. Философия. Психология. Педагогика. 2019. Т. 19, вып. 3. – С. 274. https://phpp.sgu.ru/sites/phpp.sgu.ru/files/2019/08/filosofiya_2019_3_272-276.pdf

[2] Ajay Shanker Rai. Gandhian Satyagraha an Analytical and Critical Approach. - New Delhi: Concept Publishing Company, 2000. – PP. 48-49.

Диссертант таъкидлашича, Маҳатма Ганди дунёқараши дин, фалсафа ва ахлоқнинг ўзаро боғлиқлиги билан ажралиб туради. Унинг ахлоқий концепцияси, фалсафий ғоялари ва диний анъаналарга асосланган тушунчаси ўзининг ижтимоий-сиёсий ғояларини омма онгига етказиш воситаси бўлиб хизмат қилди. Ганди ахлоқни миллий озодлик ҳаракати тамойилларини мафкуравий ва ахлоқий асослаш билан бир қаторда, гуманистик ғоялари инсонлар маънавий табиатининг бирлиги, инсоннинг қадр-қимматини кўтариш, мустамлакачилик ва ижтимоий тенгсизликка барҳам бериш, инсонга жисмоний ва маънавий зарар келтирмаслик сифатида қўллаган. Ганди дунёқарашида ахлоқнинг энг муҳим мақсади, бир томондан, маълум бир жамоат мақсадларига, биринчи навбатда, Свараж (Ватан озодлиги)га эришиш учун курашда оммани бирлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилиш, иккинчи томондан, бу курашда шахсий манфаатлар эмас, балки халқ манфаатини ҳимоя қилишдир. Гандининг ахлоққа нисбатан ёндашуви назарийдан кўра кўпроқ амалийроқ. Ахлоқий қадриятларни амалий ҳаётга татбиқ этиш учун у ахлоққа нисбатан прагматик қарашга эга эди. У шундай деган: “Фақатгина билим етарли эмас, тегишли амалий ҳаракатлар ҳам бажарилиши керак. Ахлоқий тамойиллар меъморнинг режасига ўхшайди. Режада бино қандай қурилиши кераклиги кўрсатилади, аммо бино тегишли равишда қурилмаса, у фойдасиз бўлади. Худди шу каби ахлоқий ғоя унга амал қилинмагунча фойдасиз”[1].

